

Менинг диним жароҳатланганларга қарши ҳужум қилишни тақиқлайди



13:30 / 14.01.2020 4087

1984 йилги Лос-Анжелес Олимпиадасининг дзюдо мусобақаси финалларида бири олимпия тарихида ўзгача из қолдирган. Ўшанда мисрлик Муҳаммад Али Рашван жароҳат олган япониялик рақибининг чемпион бўлишига имкон яратиб берганди.

Моҳир курашчи Ясухиро Ямашита ярим финалда олган жароҳати туфайли финалда оқсоқланган ҳолда татамига чиқади. Рашван эса рақибининг ўнг оёғига биргина ҳужум билан ғалаба қозониши мумкин бўлгани ҳолда, ўзини енгишига имкон яратиб бериб, кумуш медаль билан кифояланади.

Ундан бу ҳақда сўрашганида: «Менинг диним жароҳатланганларга, айниқса, тананинг шикастланган қисмига ҳужум қилишни тақиқлайди.

Агар рақибимга босим қилиб, шикаст еган оёғига ҳужум қилганимда, ногирон бўлиб қолиши ҳам мумкин эди. Ҳатто олтин медаль учун ҳам бундай қила олмайман», дея жавоб берган.

Муҳаммад Али Рашван расман олимпиада чемпионлари қаторида турмасида, жуда кўпчиликка ўрнатқўрсата олган. Ўша йили Халқаро Фейрплей Қўмитасининг «Ҳалол ўйин» соврини билан тақдирланган.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Islom.uz портали таҳририяти